

## 22 апрель Халқаро ер куни

21.04.2018 йил куни “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультетида “22 апрель – Халқаро ер куни” муносабати билан “Ер ресурсларидан фойдаланишда инновацион ғоя ва технологияларни қўллаш” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Семинарнинг асосий мақсади - Ўзбекистонда ер ресурсларидан барқарор фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, ерларни муҳофаза қилиш муаммолари ва ечимларига бағишланган маърузаларни муҳокама қилиш, илмий-амалий жиҳатдан асосланган тавсия ва таклифларни ўқув жараёнига ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия этишдан иборат.

Илмий-амалий семинарда институт ва ДАВЕРГЕОДЕЗКАДАСТР қўмитасининг раҳбарияти, соҳадаги корхона ва ташкилот директорлари бир гуруҳ мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, магистрлар ва факультетнинг иқтидорли талабалари иштирок этишди.



**“Г ва ГИ” кафедраси катта ўқитувчиси С.Н.Абдурахмонов ахбороти**